

Атамурадов Жамшид Жалилович

Бухоро Давлат Университети ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Ҳазратов Фазлиддин Ҳикматович

Бухоро Давлат Университети ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси
90-510-07-27

Таянч сўзлар: таълим, сайт, таълим муассасалари, ахборот, ўқув жараёни, электрон ахборот-таълим, замонавий таълим, дастур.

Ключевые слова: образование, сайт, образовательные учреждения, информация, учебный процесс, Электронное обучение, современное образование, программа

Key words: Education, site, educational institutions, information, educational process, E-Learning, modern education, program.

Мақолада таълим муассасалари сайтларини бошқариш учун керак бўладиган қисқа билим ва кўникмалар келтирилган.

В статье приведены краткие знания и навыки нужные для управления сайтами образовательных учреждений.

The article provides brief knowledge and skills necessary for managing the sites of educational institutions.

Кириш. Таълим ислохотларининг замонавий босқичи жамиятда юз бераётган янгиланишларнинг тезкорлиги, таълим муассасаларига қўйилаётган янги, янада юқори талабларга тезроқ мослашиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни илгари сурмоқда. Бундай шароитларда таълим муассасасини ривожлантириш ва замон талаблари даражасида фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоғи узлуксиз ортиб боради. Қўйилаётган вазифаларнинг деярли барчаси тамойил жиҳатдан янги талабларни келтириб чиқаради ва уларни ҳал қилишда жамоанинг фақатгина мавжуд тажриба асосида иш кўриши етарли бўлмай қолади. Таълим муассасаларини бошқариш назарияси ва амалиёти борасидаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитда таълим муассасасини бошқариш ундаги ахборотлар алмашинувини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштиришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкинлигини кўрсатади ва бу йўналишда мақсадли изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини яратиш соф техник масала бўлиб қолмасдан, балки бунинг учун муассасанинг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида ишга солиш талаб этилади.

Фикримизга кўра, «электрон ахборот-таълим муҳити» тушунчасини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуидир, деб таърифлаш мумкин. Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги типологик белгиларга кўра тавсифланади:

1. Ҳар қандай даражадаги электрон ахборот-таълим муҳити тизимлилик табиатига эга мураккаб тузилмали объект бўлиб ҳисобланади.
2. Электрон ахборот-таълим муҳитининг яхлитлиги тизимлиликка эришиш тушунчаси билан бир маънони, уларнинг уйғунлигини англатиб, ўқув муассасаси битирувчисининг шахсий ва касбий моделини амалга оширишдаги таълим-тарбия мақсадларини ўзида мужассамлаштиради.
3. Электрон ахборот-таълим муҳити таълим ва тарбия ишларининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиши билан бирга унинг воситаси ҳамдир.

Шу билан бир қаторда, ахборот-таълим муҳитини таърифлашда бир қанча ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд, жумладан:

- шахс билан таълим муҳитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг тизимли ташкиллаштирилган мажмуаси;
- анъанавий ҳамда электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим муҳити.

Фикримизга кўра, ахборот таълим муҳитини яратишда ва уни бошқаришда тизимли ёндашувни жорий қилиш талаб этилади. Ушбу ёндашувнинг дастлабки босқичида замонавий таълим мазмунига мос равишда таълим муассасаси ахборот-таълим муҳити мақсади белгиланади. Педагогик фаолиятда таълим мақсади тизимлаштирувчи вазифани бажаради. Айнан белгиланган мақсад таълим мазмуни, мақсади, ташкилий шакллари танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Замонавий таълимнинг мақсади – мутахассис модели талабларига мос равишда шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар тизимидан таркиб топиб, у тегишли таълим стандартларида ўз аксини топади. Бундан ташқари республикаимиз Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига кўра талаба шахси педагогик жараён объектигина бўлиб қолмасдан, унинг субъектига ҳам айланиб бормоқда. Бундай ҳолатларда талаба мустақил таълимнинг аҳамияти ортади ва қуйидаги кўникма ва малакаларни шакллантириш талаб этилади:

1. Мустақил таълим олишни режалаштириш кўникма ва малакалари:
 - мустақил фаолият юритишнинг шахсий режасини тузиш;
 - режа асосида мақсадли фаолият юритиш;
 - ўз фаолиятини назорат қилиб, унга зарур тузатишлар киритиб бориш.
2. Интернет илмий ҳамда ўқув ахборотларидан фойдалана олиш кўникма ва малакалари:
 - илмий ва ўқув ахборотлари мустақил аниқлаш;
 - янги ахборотларни мустақил таҳлил қилиш ва баҳолай олиш;
 - ҳал этилиши лозим бўлган муаммо нуқтаи назаридан Интернетдан ахборот манбаларини қидириш ва топиш;
 - олинаётган ахборотлар мазмунидаги янги ва истиқболли янгиликларни кўра олиш.
3. Электрон ахборот-таълим ресурслари устида ишлаш кўникма ва малакалари:
 - электрон қўлланмалар ва каталоглардан тизимли равишда фойдаланиш;
 - Интернетдан олинган илмий, ўқув ва бошқа адабиётлар рўйхатини библиография қоидалари асосида юрита олиш.
4. Замонавий ахборот технологиялари воситалари орқали тақдим этилган маърузаларни ўзлаштириш кўникма ва малакалари:
 - маърузалар мавзуси ва режасини, адабиётлар рўйхатини белгилаб олиш;
 - тақдим этилган ахборотларни тўғри қабул қилиш;
 - асосий муаммо, ғоя ва хулосаларни ажрата олиш;
 - асосий мазмунни ўз сўзлари билан қисқача ёзиб олиш;
 - тақдим этилган ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва улар мазмунини таълимий мақсадларда қўллаб бориш.
5. Электрон дарслик билан ишлаш кўникма ва малакалари:
 - электрон дарслик билан умумий ҳолатда танишиш, унинг муаллифи, мазмуни, хулосаси, иллюстрациялари ҳамда аннотацияларини билиш;
 - электрон дарсликнинг мантиқий тузилмасини ажратиб олиш;
 - ўрганилаётган мавзуни тўлақонли тушуниб олиш учун қўшимча қўлланмалар: анимация, луғат, энциклопедия, маълумотномалардан фойдалана олиш;
 - олинган маълумотларни тезислар, конспектлар кўринишида қайд этиб бориш.

Электрон ахборот-таълим муҳити қуйидаги учта асосий вазифаларни бажаради:

 - ташқи муҳит субъектларига замонавий ахборот технологиялар ёрдамида таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдамлашиш;
 - таълим муассасаси ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини ошириш ва ўзаро ахборот-таълим ресурслари алмашиши муҳитини юзага келтириш;
 - таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити воситалари орқали самарали ахборот алмашинувини ташкил этиш ва бошқариш.

Таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити мақсадини белгилаш учта жараённинг даврий кетма-кетлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади:

- биринчи даврда муҳитни таҳлил қилиш натижалари ўрганилади;
- иккинчи даврда – мос равишда амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинади;
- учинчи даврда бевосита таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити мақсади ишлаб чиқилади. [1]

Олий педагогик таълим муассасасида электрон ахборот-таълим муҳитининг мақсади бўлажак ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Ўз навбатида бўлажак ўқитувчи шахсини шакллантиришда олий педагогик таълим муассасасини битиргандан кейинги меҳнат фаолияти давомида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириб боришига қаратилган сифатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки республикамизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари «касб» тушунчасига янги талқинда қарашни талаб этмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига кўра замонавий касб эгаси тайёр касбий билимлар тўпламини эгаллаганлиги билан эмас, балки касбий жиҳатдан ривожланишга хизмат қилувчи қобилиятларга эгаллиги, ўз касбий даражасини таҳлил қила олиши, жамият ва ишлаб чиқаришнинг янгиланиб бораётган талабларига мос равишда янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлиги билан тавсифланади. Санаб ўтилган сифатлар асосини бутун умр давомида янги билимларни эгаллаш орқали узлуксиз касбий тайёргарликни амалга оширишга қаратилган ривожланиш жараёни ташкил қилади.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида таълим мазмунини такомиллашганлик даражаси бу каби талабларга жавоб бера оладиган мутахассисни тарбиялаш муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ахборотлашган жамиятда таълим мазмуни деганда эгалланиши талаб этиладиган илмий билимлар, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришга қаратилган таълимий ғоялар тизими тушунилиб, унинг таркиб топишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- жамият эҳтиёжлари;
- соҳа олимларининг замонавий методологик қарашлари;
- илмий-техник тараққиёт (замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситалар ҳамда тизимлари);
- таълим тизимининг ўзида юзага келувчи, таълим сифати, замонавийлиги ҳамда оммавийлигини таъминлашга қаратилган эҳтиёжлар.

Замонавий ахборот технологиялари негизидаги таълим мазмуни қуйидаги мезонлар асосида шакллантирилади:

- таълим мазмунининг замонавий фан ютуқлари даражасига мослиги;
- ўқув материали мураккаблик даражасини билим олувчиларнинг амалдаги имкониятлари, қўлланилаётган ахборот технологиялари билан мувофиқлиги;
- мазмун ҳажмини ўзлаштириш учун ажратилган вақт миқдорига мослиги;
- халқаро тажрибаларнинг инобатга олинганлиги;
- бўлажак педагогни келажакдаги касбий фаолиятида фойдаланадиган техник ҳамда дастурий воситалар, ахборот ҳамда телекоммуникация технологияларини ўзлаштириши.

Бугунги кунда таълим соҳасини ривожлантиришда педагогик ходимлар малакасини оширишда илғор технологиялар ҳамда таълим воситаларини қўллаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Ахборотлашган жамият эндиликда ўқитувчига талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқарувини амалга ошириш имкониятини берувчи янги шарт-шароитларни юзага келтирди. Ўқитиш жараёни ўқитувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари асосида қурилади, буни такомиллаштириш учун замонавий педагогик ҳамда ахборот технологияларини мукамал даражада эгаллаш талаб этилади. Бундан ташқари замонавий ахборот технологиялари ўқитувчига қатор муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади – энди ўқитувчи нафақат ўз мутахассислиги йўналишида, балки мавжуд ўқитиш концепциялари, методика соҳасидаги илғор йўналишлар, билишнинг психологик хусусиятлари, ўқитишда замонавий ахборот технологияларининг имкониятларини билиши лозим. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун эса малака ошириш тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, соҳадаги илғор таълим

методлари ва шакллари татбиқ қилиш борасида доимий равишда иш олиб борилишини тақозо этади.

Олий таълим муассасалари педагогларининг малакасини ошириш анъанавий тизими педагогларнинг янги ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлалигича таъминлай олмайди, шу сабабли уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган электрон ахборот-таълим муҳитини юзага келтириш тақозо этилмоқда. Бундай муҳитда педагоглар масофавий малака ошириш имкониятларига эга бўладилар. Электрон ахборот-таълим муҳитида ҳар бир ўқитувчининг ўз малакасини ошириш борасидаги мустақил таълими ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, бунда улар малака ошириш йўналиши, ўрганиладиган фанлар, мустақил таълим олиш манбаларини танлаш имкониятига эга бўладилар.[1]

Ахборотлашган жамият талабларини ўзгаришига мос ҳолда таълим муассасаси электрон ахборот-таълим муҳитининг такомиллашиб бориши бугунги куннинг объектив заруриятидир. Ахборот таълим муҳитини такомиллашиб бориши қуйидаги бошқарув вазифаларининг бажарилишини тақозо этади:


- белгилаб олинган мақсадларга мос равишда устувор йўналишларни белгилаб олиш;
- танланган мақсад ҳамда таълим муассасасидаги жараёнларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.



1-расм. Бухоро давлат университети веб-сайти

Юқоридагиларга мисол қилиб олий таълим муассасалари сайтлари орасида 2-ўринни эгаллаб келаётган Бухоро давлат университети сайтини олишимиз мумкин (1-расм).

Мазкур веб сайтда юқорида келтирилган барча талаб ва қоидаларга асосан яратилган. Веб сайтда талаба ҳамда профессорўқитувчилар учун маълумот олиш қулайликлари яратилган. Мисол учун: талабаларга қулайлик яратиш мақсадида университетда ўқитиладиган фанларнинг ишчи дастурлари ва маъруза матнлари келтирилган. Бундан ташқари тўлов шартнома асосида ўқийдиган талабалар учун тўлов суммалари ҳақидаги маълумотларни кўриш имконияти яратилган.



2-расм. Абитуриентлар учун таълим йўналишлари

Бухоро давлат университети сайтида Абитуриентлар учун бир неча қулайликлар яратилган(2-расм). Абитуриентлар учун таълим йўналишлари, қабул квоталари, онлайн қабул каби электрон хизматлар яратилган.

Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш жараёнини бошқариш ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш даражасида аниқлаштириб олиш талаб этилади. Ишлаб чиқилган мақсадлар асосида муассаса ахборот-таълим муҳитининг тизимларини ривожлантириш дастури шакллантирилади ва уларнинг рўёбга чиқарилиши орқали мутахассисларни шахсга йўналтирилган ёндашув талаблари асосида самарали тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Шундай қилиб, педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш педагогик таълимнинг электрон ахборот-таълим муҳитини, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратишни таълим сифатини оширувчи омил сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.

АДАБИЁТ:

1. М.А. Бахронова, Ж.Ж. Атамурадов. ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ. “Ученый XXI века” Международный научный журнал 2017 № 5-2 (30) ст 99-100

2. С.А. Самадова, Ж.Ж. Атамурадов. ЧЕТ ТИЛЛАРИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА САМАРАЛИ ЎРГАНИШ. “Ученый XXI века” Международный научный журнал 2017 № 4-1 (29) ст 11-13

3. Ж.Ж. Атамурадов, Д. Негматова. СПЕЦИФИКА И ЗНАЧЕНИЕ ИНФОРМАТИКИ ДЛЯ ЭКОНОМИСТОВ. “Ученый XXI века” Международный научный журнал 2018 № 3-1 (38) ст 11-12

4. Ж.Ж. Атамурадов, Г. Мухитдинова. ЗНАЧЕНИЕ ПРИКЛАДНОГО ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДЛЯ ПОДГОТОВКИ ЭКОНОМИСТОВ - УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, 2018 - uch21vek.com [Электронный ресурс]: URL:

http://www.uch21vek.com/assets/uch21vek_3_1_2018.pdf#page=10

5. Ж.Ж. Атамурадов, Я.З. Файзиев. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ К УРОКАМ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ. “Ученый XXI века” Международный научный журнал 2018 № 3-2 (38) ст 57-58.

6. Ж.Ж. Атамурадов. THE MAIN DIDACTIC PRINCIPLES OF TEACHING INFORMATICS. “Ученый XXI века” Международный научный журнал 2018 № 11 (46) ст 53-55.

7. Ж.Ж. Атамурадов, Н.У. Очилова. ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ. “Ученый XXI века” Международный научный журнал 2018 № 4-4 (39) ст 38-39.

8. Zh.Zh. Atamuradov, Ya.Z. Fayziev. THE IMPORTANCE OF SPORTS CLUBS OF STUDENTS IN HIGHER EDUCATION. “Ученый XXI века” Международный научный журнал 2018 № 11 (46) ст 40-42

9. Атамурадов Жамшид Жалилович РОЛЬ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ В ПРОЕКТИРОВАНИИ ЭТАПОВ ПОСТРОЕНИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ. Журнал “ACADEMY” №10 (61) 2020 год [Электронный ресурс]: URL: <http://academicjournal.ru/home/arkhiv-zhurnal-academy.html>

10. Атамурадов Жамшид Жалилович, Ҳазратов Фазлиддин Ҳикматович. ТАЪЛИМ САЙТЛАРИНИ БОШҚАРИШ. Бухоро Далат Университети Илмий Ахбороти журнали 3/27 211-216 б Бухоро 2017.

11. J.J. Atamuradov. PRINCIPLES OF CONSTRUCTION OF EFFECTIVE INFORMATION SYSTEMS. «Science and practice: a new level of integration in the modern world» Conference proceedings 11th International Conference. September, 10 - November, 30, 2020.UK, S Yorkshire, Sheffield DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11.39

12. Атамурадов Ж.Ж. АНАЛИЗ ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ И УПРАВЛЕНИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2021. 4(85). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11472>

13. Ж.Ж. Атамурадов. РОЛЬ СИСТЕМҚ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ. Бухоро давлат университети «Педагогик маҳорат» илмий-назарий ва методик журнал. Махсус сон 2020 йил декабрь 278-282 бетлар

14. *Атамурадов Ж. Ж* ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МОНИТОРИНГИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. “Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида, таълим сифат-самарадорлигини ошириш: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар” 156-157 б Бухоро 2017

15. *Атамурадов Ж. Ж* КАСБ - ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ. “Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида, таълим сифат-самарадорлигини ошириш: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар” 224-226 б Бухоро 2017.

16. *Атамурадов Ж. Ж* КАСБ - ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРДАН САҚЛАНИШ МУАММОЛАРИ. “Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида, таълим сифат-самарадорлигини ошириш: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар” 227-228 б Бухоро 2017.

17. *Ж.Ж. Атамурадов.* ВНЕДРЕНИЕ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МОНИТОРИНГЕ ФИЗИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ СТУДЕНТОК ВУЗОВ. “Хотин-қизлар спорти:имкониятлар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 209-210 б Бухоро 2017.

18. *Ж.Ж. Атамурадов.* ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ФИЗИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИЕ ШКОЛЬНИКОВ. “Хотин-қизлар спорти:имкониятлар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 214-215 б Бухоро 2017.

19. *Ж.Ж. Атамурадов.* ПРИМЕНЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ. “Хотин-қизлар спорти:имкониятлар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 217-218 б Бухоро 2017.

20. *Атамурадов Жамшид Жалилович, Ҳазратов Фазлиддин Ҳикматович.* ОСНОВНЫЕ ЦЕЛИ ПРИМЕНЕНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ. “Хотин-қизлар спорти:имкониятлар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 212-213 б Бухоро 2017

21. *Ж.Ж. Атамурадов, Я.З. Файзиев.* ОБУЧЕНИЕ ФИЗИЧЕСКИМИ УПРАЖНЕНИЯМИ НА УРОКАХ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ С ПОМОЩЬЮ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ. “Хотин-қизлар спорти:имкониятлар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 222-223 б Бухоро 2017

22. *Атамурадов Ж. Ж* Касб - РОЛЬ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПРИ ПОДГОТОВКИ СПОРТСМЕНОВ С ПОМОЩЬЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ. “Хотин – қизлар спорти: имкониятлар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 249-250 б Бухоро 2018 4-5 май.

23. *Атамурадов Ж. Ж* Касб - USE OF INFORMATION TECHNOLOGIES OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM IN PHYSICAL CULTURE. “Хотин – қизлар спорти: имкониятлар ва истиқболлар” Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 262-263 б Бухоро 2018 4-5 май.

24. *Hazratov Fazliddin Xikmatovich, Atamuradov Jamshid Jalilovich.* NAVIGATSIYA TIZIMIDA ELEKTRON XARITALARNING STRUKTURASI VA ULAR BILAN ISHLASH ALGORITMINI YARATISH. “Математика, физика ва ахборот технологияларининг долзарб муаммолари” Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий анжумани материаллари. 299-300 б Бухоро 2018.

25. Атамуратов Ж. Ж., Хазратов Ф.Х. ПОДГОТОВКА УЧИТЕЛЕЙ-ПРЕДМЕТНИКОВ К ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ИКТ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ. “Вестник интегративной психологии” выпуск №19 г. Ярославль 2019 стр. 54-57

26. Atamuradov Jamshid Jalilovich. MASOFAVIY TA`LIMDA O`QITUVCHINING ROLI. «Амалий математика ва ахборот технологияларининг замонавий муаммолари» халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари 2021 йил, 15-апрель 441-443 б.

27. Atamuradov Jamshid Jalilovich. MASOFAVIY TA`LIMDA MOBIL ILOVALARDAN FOYDALANISH. «Амалий математика ва ахборот технологияларининг замонавий муаммолари» халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари 2021 йил, 15-апрель 637-639 б.